

**Давлат солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари
М.Мирзаевнинг 2022 йил апрель ойида бажарилган ишлари**

**Бюджет даромадлари ижросини таъминлаш
ва қўшимча манбаларни жалб этиш**

2022 йилнинг апрель учун белгиланган **11,7 трлн.сўм** прогноз кўрсаткичи **12,2 трлн.сўмга (104,6%)** бажарилиб, бюджетга **535,0 млрд.сўм** қўшимча маблағлар жалб этилди (апрель ойи тушумлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,6 трлн.сўмга (114,9%)** ўсди).

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича 2022 йил апрели учун белгиланган **2,5 трлн.сўм** прогноз **2,9 трлн.сўмга** ёки **113,8** фоизга бажарилди.

Стратегик режалаштириш бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Маиший техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 148-сон қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 149-сон қарори қабул қилинди.

Алкоголь, тамаки ва пиво маҳсулотларни тўлиқ рақамли маркировкаланган ҳолда ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ишлаб чиқарувчи (51 та алкоголь, 2 та тамаки ва 16 та пиво) ва импорт қилувчи (8 та алкоголь, 4 та тамаки ва 6 та пиво) корхоналар томонидан жами 1 137,1 млн. дона (615,0 млн. дона – тамаки, 334,5 млн. дона – алкоголь ва 177,5 млн. дона пиво) рақамли маркировкаланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши назоратга олинди.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўйича

2022 йилнинг апрелда **жами 18 та 2 016,8 млн. сўмлик** солиқ низосига оид шикоятлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган.

Хусусан, бугунги кун ҳолатида келиб тушган шикоятлар солиқ тўловчи вакиллари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, 1 та 228,4 млн. сўмлик мурожаатда солиқ тўловчининг позицияси қаноатлантирилган.

Шунингдек, 17 та 1788,4 млн.сўмлик мурожаат бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ўз кучида қолдирилди ва бу ҳақда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди.